

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

“ЗООТЕХНИЯ” кафедраси

**Бакалавриат 5620600-“ЗООТЕХНИЯ” (тармоқлар бўйича)
йўналиши 4-94 гуруҳ талабаси**

Мамазиётов Фарход

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Балиқларни табиий ва сунъий озиқалар билан
озиқлантиришнинг аҳамияти”**

Илмий рахбар:

“Зоотехния” кафедрасининг
доценти

Ғ.Б.Амантурдиев

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

Зоотехния кафедраси мудири,
доцент
_____Ғ.Б.Амантурдиев.
2014 й «_____» _____

Зоотехния факултети декани,
доцент _____У.Ш.Балласов.
2014 й «_____» _____

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	4
II. АСОСИЙ ҚИСМ.....	9
II. 1. Балиқларни табиий озуқалар билан озиқлантириш	9
II. 2. Балиқларни қўшимча озуқалар билан озиқлантириш.....	12
II. 3. Балиқларни меъёрлаштирилган (баланслаштирилган) озуқалар билан озиқлантириш.....	15
II. 4. Балиқларга бериладиган қўшимча озиқа миқдорлари.....	16
II. 5. Балиқларни озиқлантиришни тўхтатиш.....	24
III. ТАДҚИҚОТ ЖОЙИ, ШАРОИТИ ВА ТАҲЛИЛИ.....	28
III.1. Республикамиз шароитида балиқчилик ховузларининг биологик ва техник таснифи.....	28
III.2. Ҳовуз балиқчилигида балиқ ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва такомиллаштириш.....	33
ХУЛОСАЛАР.....	45
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	46
ИЛОВА.....	47

КИРИШ

Республикамиз оксил моддаларига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришда балиқчилик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган тавсияга асосан ҳар бир организм соғлом ривожланиши учун кундалик озуқа таркибида одамнинг ёшига қараб 10 граммдан 50 граммгача балиқ махсулоти бўлиши керак.

Балиқ гўшти таркибида қорамол, чўчка каби кишлоқ хўжалик ҳайвонлариникига тўғри келадиган оксиллар бўлсада, янги тутилган балиқ гўшти таркибидаги оксилнинг инсон организми томонидан ҳазмланиш даражаси юқоридир. Бундан ташқари, овқат учун ишлатилмайдиган балиқлар, балиқларни қайта ишлаш корхоналарининг чиқиндилари қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг рационини оксилга ва кўплаб витаминлар билан бойитишда асосий озиқа қўшимчаси ҳисобланади.

Балиқ гўштида бошқа ҳайвон организмларида учрамайдиган аминокислоталар, витаминлар, микро ва макро элементлар мавжуд. Балиқ ёғи биологик актив моддадир. Балиқ гўшти юрак қон томир касалликларининг олдини олади. Кўпгина балиқ махсулотлари пархез махсулотлар қаторига киритилиб улардан ёш болаларни озиқлантиришда ва уларнинг айрим касалликларини даволашда фойдаланилади.

Бизнинг Республикамизда балиқчиликни ривожлантиришнинг жуда катта имкониятлари мавжуд. Шуларни инобатга олиб Президентимизнинг ПФ 1978 - сонли фармонида (18.03.1998 й.) чорвачиликни ривожлантиришни комплекс чора - тадбирлари белгиланиб, шу жумладан балиқ етиштиришни 2,9 мартага ошириш кўзда тутилган бўлиб 20000 тонна балиқ овланиши керак. Республика ҳудудида умумий майдони 829,5 минг гектарга тенг сув омборлари, кўллар ва ҳавзалар бўлгани ҳолда уларнинг атиги 212 минг гектаридагина баликлар урчитилмокда холос. Республикамизда балиқчилик соҳасида бир қанча ютуқларга эришилганига

карамай хозирги кунда мавжуд имкониятлардан тўлалигича фойдаланилаётгани йўқ.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 13 августда чиққан қарорига асосан балиқчиликни ривожлантириш жараёнларини гурухлаштириш балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари фаолиятини ташкил этишга бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш тармоқни янада монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш шунингдек балиқ овлашни, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотишни тартибга солиш мақсадлари кўзда тутилган.

Шу билан бирга табиий сув хавзалари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ижара шартномаси вилоятлар ҳокимликлари ва танлов ёлиби бўлган балиқ овлаш корхоналари ўртасида камида 10 йил муддатга тузилиши қайд этилган.

Республикамиз сув хавзаларида балиқ захираларидан рационал фойдаланиш ва балиқ маҳсулдорлигини оширишда уларни табиий қа сунъий озиклантиришни кенг йўлга қўйиш мамлакат халқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришдаги **долзарб муаммолардан** биридир. Шунинг учун, ушбу муаммони хал қилишда мавжуд сув омборларининг хозирги ҳолати балиқларнинг экологик хусусиятларини ўрганиш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан боғлиқдир.

Мавзунинг мақсади ва вазифаси. Балиқларни табиий ва сунъий озикалар билан озиклантиришни ривожлантириш ва кенг йўлга қўйиш асосида ҳовуз балиқларини ўстириш, кўпайтириш ва урчитиш ишларини жадаллаштириш, такомиллаштириш.

I. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Карп балиқларини унча катта бўлмаган яъни сув ҳавзаларидан фойдаланиб товар балиқ етиштиришни биринчи бўлиб 1954 йил Японияда амалга оширишган. Шундан сўнг Хитой, Германия, Руминия, Норвегия каби давлатларда давом эттиришган.

Муваффақиятли олиб борилган ишлар натижаси шуни кўрсатдики содақларда балиқларни сунъий озуқа билан боқишда юқори натижаларга эришиш мумкин.

Садокларда балиқ етиштириш технологиясининг асосчилари Япониянинг “Танако” фирмаси бўлиб бу ҳақида А.И.Исаев (1959) Т.А.Майсий (1958) Б.В.Веригинлар ёзма маълумотлар қолдирганлар.

Юқоридаги олимларнинг такидлашича Япон балиқчиси Такана 1954 йил умумий майдони 62 м² бўлган 2 садокдан 8500 кг балиқ етиштиришга эришган.

Кейинги йилларда Японияда 2 м² жойдан 167-205 кг балиқ етиштиришган. Бу садокларда сув алмашинуви доимий равишда амалга оширилади. Унинг тезлиги Танако фирмасининг садокларида 4 минутга тенг. Садокларда балиқларни озиклантиришда сунъий озукалар олигачет, хирокомид, моллюскалар, тут ипак қурти чиқити, соя, кунжит, ғалла чиқиндилари қўлланилган. Асосий озукаларнинг 55 % ини янги ва қуритилган ипак қурти ғумбак чиқиндилари ташкил этган. Карп балиқлари садокларда 600 граммдан 1200 гр.гача парваришлаб товар балиқ сифатида реализация қилинади.

Балиқчиликни жадаллаштиришда қўшимча имтиёزلардан мақсадга мувофиқ равишда уларнинг маҳсулдорлик биологияси, миқдор кўрсаткичини ошириш ва ихтиофауналар турларининг яхшилаш, шунда ҳавзаларнинг ички экологик системасига антропоик ёки антропоген таъсири кузатилмоқда (В.А. Мурин, 1984).

Балиқ ўтқазиш ҳовузлари физико – кимёвий сувнинг ҳар томонлама сув манбаъсининг балиқлар учун қулай шароитда ташкил қилинади. Балиқ ўтқазиш катта ҳажмга эга бўлган майдон 50 – 200 м² чуқурлиги 5 – 6 м ҳажмда шамолдан ҳимояланган бўлиши керак, қоидага биноан сувнинг ҳарорати ва кислород меъёри сув ҳавзаси билан ўтқазиш ҳовузларнинг бир ҳил бўлиши керак (П.В.Михеев, Е.В.Мейснер, 1982).

Турли ҳил балиқлар ўзининг вояга етиши билан кетма – кет содир бўладиган жинсий етилиш бир неча босқичдан ўтиш ва бу маълумотлар балиқларни жинсий маҳсулдорлик кўрсаткичининг етилиши тўғрисида умумий тушунча беради (Г.В.Никольский, 1984).

Нисбатан кенг миқёсда балиқлар ёшининг улғайиши ва вояга етиши айниқса ўсимликхўр балиқларнинг жинсий етилишининг узайиши ҳарорат даражаси ва балиқларнинг босқичма – босқич жинсий маҳсулдорлик етилишига боғлиқдир (П.С.Вовка, 1986).

Ҳозирги замон балиқчилик даражаси сунъий такрор ишлаб чиқаришсиз амалга ошмайди, мия остидаги ўсишга таъсир этувчи ички секрециясини инъекция қилиш усули ишлаб чиқилди (Н.Л.Гербильский, 2002).

Адабиётларда келтирилишича Хитойда Танало методи бўйича 40 м²дан 8,9 тонна балиқ олинган. Бу 1 м² га 250 кг.дан тўғри келади. Япония методи бўйича карп балиқлари-ни садокларда етиштириш Руминия, Хитой, Германия ва бошқа давлатларда амалга оширилмоқда.

А.Борисовнинг (1984) такидлашича личинкаларни боқишда зоопланктондан фойдаланиш 1 кг вазнга эга бўлган балиқларни парваришlashда 3-4 кг дафня сарфланиши айтилади.

Човоқларни парваришlashда ички садокларнинг сеткалари 5 мм ли катакли бўлиб, 3-4 метр чуқурликда жойлаштирилади.

Балиқчилик хўжаликларида ховузлар фойдаланиш турига қараб Ф.Т.Мартишовнинг (1964) келтирилган маълумотларига кўра қуйилгича турларга фарқланади.

1. Урчитиш ховузлари. 0,2 га чуқурлиги 0,65-0,8 м дан 1,5 гача бўлиб танг суви доимий яхшилаб туриш имкони бўлган жойда барпо этилади.
2. Личинкалари човоқларгача яни икрадан чиққан личинкаларни 20-30 кунгача боқиш ховузлари. Уларнинг майдони 0,25-1-1,5 га гача бўлиб чуқурлиги 0,5 метрдан 0,7 метргача бўлади. Бу ховузлар турли хил кушандалар (кушлар, илонлар, йирик курбақалар, йиртқич балиқлар)дан химоя қилиш осон бўлган жойларда барпо этилади.
3. Ўстириш ховузлари. Бу ховузларга 1 ёшли балиқларни товар балиқларигача бўлган ораликда боқиш мумкин бўлган ховузлар киради. Ховузларнинг майдони 10-15 гача бўлиб чуқурлиги 0,5 метрдан 2 метргача бўлиши мумкин.
4. Яйратиш боқиш ховузлари. Бу ховузлар майдони жихатдан улар дан фарқ қилади ва 0,25 га дан 100 га гача хатто хўжалик имкониятидан келиб чиқиб ундан ҳам катта бўлиши мумкин.
5. Қишлов ховузлари асосан 1 ёшли балиқлар ва катта балиқларни қиш мавсумида соғлом ва тетик қилиб чиқариш мақсадида барпо этилади. Ф.Г.Мартишевнинг (1964) таъкидлашича бу ховузлар иқлим шароитидан келибтурли чуқурликда бўлиши таъкидланади. Уларнинг майдони 1 га дан 3-4 гача бўлиши мумкин. Чуқурлиги эса 1,5 метрдан 2,5 метргача бўлиши мумкин.
6. Она балиқлар сақланадиган ховузлар. Бу ховузлар асосан икра олиш мақсадида ажратилган урғочи балиқларниқиш охири ва эрта баҳорда болитировка вақтида алохида парваришлаш учун қўлланилади. Она балиқлар жадаллаштирилган озуқа билан парваришланади.

7. Карантин ховузлар. Бу ховузлар бошқа хўжаликлардан келтирилган хар қакдай балиқларни вақтинча сақлаш мақсадида барпо этилади. Уларнинг чуқурлиги 0,8-1,5 м гача ва майдони 20-30 м² гача бўлади. Бу ховузлар барча барча ховузлардан камида 20 метр узоқликда барпо этилади. С.М.Дарохов, С.Д. Поляков, С.Т. Похомов (1981) ларнинг маълумотларига қараганда ёзда она балиқларни парваришlashда алохида ховуз барпо этилади ва сув билан тўлдиришдан олдин профилактика ишлари амалга оширилади.

Б.Г.Комилов, Р.Б. Қурбонов, Т.В.Солихов (2003) лар келтирган маълумотларга кўра балиқларни озиклантиришда қуйидаги озуқалар мухим роль ўйнайди. Озуқалар келиб чиқишига кўра 3 хилга ажратилади.

1. Ўсимликлардан олинадиган озуқалар. Карп балиқларини озиклантиришда ёғи олинган чигит жўхори ер ёнғоқ, хантал зиғир, соя ва бошқа ўсимлик уруғларидан кунжара ва шротлардан кенг фойдаланилади. Улардаги протеинлар миқдори 30-40% ни ёғлар 78% ни ва углеводлар 30-40 % ни ташкил қилади.
2. Хайвонат оламидан олинадиган озуқалар буларга: гўшт ва суяк уни, балиқ уни ва қон унидан тайёрланган озуқалар киради.
3. Балиқчиликда табиий озуқалар базаси деган тушунча бўлиб улар ўз навбатида 2 га бўлинади. Зооплактонлар яъни сувда яшовчи майда тирикмавжудотлар: дафния, циклонлар, мокина, қисқичбақасимонлар ва фитоплактонлар сувда яшовчи тубан сув ўсимликлар ҳақида маълумотлар берилган. В.М.Козлов ва Э.С.Абромовичларнинг (1991) ёзишича ўтхўр балиқлар оқ амур балиғи 2 ёшида 300-1000 гр.гача озикланганда 10м² жойдаги ўсимликлардан тозалаши мумкин.

Б.Г.Комилов (2003) берган маълумотларига кўра республикаимиз шароитида карпсимон балиқлар жуда яхши ўсиши ва улардан яхши, яхши маҳсулот олиш мумкинлиги хусусида такидлашади. Карп балиғи

республикамиз табиий сув омборларида 2-3 ёшида танасининг узунлиги 30-35 см ва оғирлиги 2 кг. га етади. Муаллифнинг ёзишича карп ўзбекистон шароитида оқ амур ва дўнг пешона балиғи билан бирга поликултура асосида етиштириш яхши натижа беради.

Ўзбекистоннинг турли зоналарида мавжуд сув омборларида бир канча олимлар илмий ишлар ва кузатувлар олиб боришган. Шулардан М.Р.Эргашев (1975) Тагчамар сув омборининг асосан овлаш ахамиятга кўра эга бўлган балиқларнинг биологияси ва хўжалик ахамияти тўғрисида илмий изланишлар олиб борган.

А.Х.Хасанов (1983) қўйимозор ва тўдакўл сув омборларининг асосан овланиши ахамиятига эга бўлган балиқлар устида илмий изланишлар олиб борган.

Аму-Бухоро канали ишга туширилиши натижасида қўйимозор ва тўдакўл сув омборларига Амударёдан 9 тур балиқлар: каттаамударй курак буруни, оқ амур, қора амур, чўртансимон оққайроқ, орол оққайроғи, қилич балиқ, оқ дўнгпешона ва чинор дўнг пешона каби балиқларнинг ўтганлиги аниқланган.

Х.Н.Нуриев (1985) асосан иқлимлаштирилган балиқлар устида илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Қўйимозор, тўдакўл сув омборларида учрайдиган иқлимлаштирилган шарқ оқчаси, оқ амур, дўнгпешона ва кумушжовон балиқларнинг морфо экологик хусусиятларини ўрганган.

Ш.Ургинов (1986) шўркўл сув омбори балиқларининг морфологик хусусиятлари ва бу кўлларда балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш устида илмий тадқиқотлар олиб борган.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Балиқларни табиий озуқалар билан озиқлантириш

Табиий озуқалар (ҳовузнинг табиий озука захираси) -ҳовузларда табиий йўл билан ривожланадиган, ўсадиган ўсимликлар, ҳовузлардаги планктонлар, сувда ўсадиган ўсимликлар, кискисбакасимонлар, бактериялар, детритлар, бентослар, юқори табакадаги ўсимликлар, ҳашаротлар, сув ҳайвонлари ва балиқлар киради. Табиий озука захирасининг ривожланиш даражаси сувнинг сифатига боғлиқдир. Баликчилар турлича усулларни қўллаб: оҳаклаш, органик ва неорганик моддалар билан ўғитлаш каби йўллар билан сув сифатини яхшилашга эришади. Тўғри ўғитланган сув ҳавзалари ўзида барча биоген моддалар, микроэлементларни саклайди ҳамда рухсат этиладиган чегарада озука захирасини етарли даражада ривожланишига имконият берувчи макбул (оптималь) гидрохимик шароитларга эга бўлади.

Сув ҳавзаларнинг табиий озука базаси етарли даражада фарқланиб ўзидаги ўсимликлар ва ҳайвонлар мажмуидан ташкил топади.

Сув ҳавзаларнинг табиий озиқа базасидаги организмлар таркиби ва ҳажми турлича бўлиб, уларнинг катталиги микроскопик кўринишдан то нисбатан катта ҳажмгача бўлади. Сув ҳавзаларидаги турли хил организмлар ҳар хил турдаги балиқлар учун озиқа ҳисобланади.

Сув ҳавзалардаги бу организмлар тирик ёки ўлик, ёки бактерияларнинг таъсирида чириётган (детритлар) моддалар бўлиши мумкин. Бу организмлар ҳовузларнинг турли жойларида:

- кирғоқларида (соҳилларида), масалан ўсимликларнинг илдизларида;
- сувнинг тубида пасив ҳаракатланувчи организмларда (планктонлар), масалан, дафниялар, бир хужайрали сув ўтларида;
- сув ҳавзаларнинг юзасида ёки ҳовузнинг тубидаги организмларда (бентос), масалан, куртлар, ҳашарот личинкалари, чиғанок (шиллик курт)лар;

- сув ости предметлари сатҳини копловчи организмларда;
- сувнинг пастки катламларида фаол сузувчи жониворларда (нектон), масалан, баликлар, қурбакалар;

Сув ҳавзаларини яхшироқ билиш ва бошқариш учун баликчилар сувни ўғитлаш асосларини билишлари шарт. Бунинг учун улар сув ҳавзаларидаги организмларнинг асосий гуруҳларини билишлари талаб этилади. Сувдаги айрим организмлар амалда оддий кўзга кўринмайди, уларни кўриш учун микроскоп ёки бинокуляр лупалар керак бўлади.

Ҳар хил турдаги баликлар ва уларнинг турли ёшдагилари сувдаги турли гуруҳдаги организмларни исътемола қилишади.

Икрасидан чиққан балиқ личинкалари ташки муҳитдан озиқа қабул қилмайди, ривожланиши учун сариқ таначадан фойдаланилади. Бироз вақт ўтгач личинкалар аста-секинлик билан сув ҳавзасидаги организмлар билан озиқланишга ўтади. Балиқ личинкалари сув ҳавзасидаги жуда ҳам майда, кўзга кўринмайдиган организмлар (планктонлар)- микроскопик кўринишдаги сув ўтлари билан озиқлана бошлайди. Личинка танасининг ўсиши билан биргаликда унинг оғиз аппарати ҳам катталашиб, личинкалар катта ҳажмдаги организмлар (мўйловчали ва эшқакоёқли қисқичбақалар) билан озиқланишга ўтади. Личинкаларни озиқа турига бўлган муносабати ўзгариб боради ва улар кейинги ривожланиш босқич -малькиларга ўтади, айланади. Малькилар катта ёшдаги балиқларга хос бўлган озиқалар билан озиқланади.

Катта ёшдаги балиқлар озиқланиш турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

А. Ўтхўр балиқлар (фитофаглар) - сув ҳавзалардаги ўт ва ўсимликлар билан озиқданувчи балиқларлар ҳам икки гуруҳга бўлинади:

1. Фитопланктонлар - ок пешонадўнг турдаги балиқлар киради.

2.Олий табакадаги ўсимликлар билан озикланувчи балиқлар - оқ амурлар киради.

Б. Ҳайвонот дунёсига мансуб ва камрок ўсимликлар

билан озикланувчи балиқлар:

1. Зоопланктонлар - буларга ола пешонадўнг балиқлар.
2. Бентослар(сув ҳавзаси тубидаги организмлар) билан озикланувчи балиқларга карп турдаги балиқлар киради.

В. Йиртқичлар - тирик ҳайвонлар, жумладан балиқлар билан озикланувчи балиқларга форель, лаққа балиқлар киради.

Фермерлар ҳовузларда балиқларни асраш ва озиклантириш учун сув ҳавзаси у ёки бу турдаги озука захираси билан таъминланлик даражасини аниқ баҳолашлари шарт. Сувдаги фитопланктон организмларни яхши ривожланишини ўғитлардан фойдаланган ҳолда илик сувда осонроқ амалга ошириш мумкин. Ўғитлаш орқали сувдаги мавжуд зоопланктонларни ривожланишини таъминлашга эришилади.

Сув ҳавзасидаги бошқа гурўҳ озука захирасини ривожлантириш ва кўпайтириши учун махсус усуллар талаб этилади.

Сув ҳавзаларда табиий озиқа захирасини ривожлантиришда ўғитлардан фойдаланиш. Ўғит - бу табиий ва сунъий субстанциялардан иборат бўлиб, сув ҳавзаларида табиий озиқа захирасини кўпайтириш ва ундаги организмларни тезроқ ривожланиши, ўсиши учун кўлланилади. Ўғит - бу сувдаги ўтларнинг ўсиши, ривожланиши учун озукавий моддаларни етказувчиси ҳисобланади. Сув ўтлари билан айрим турдаги балиқлар, масалан оқ пешонадўнг балиқлар озикланади. Бундан ташқари, сув ўтлари билан бошқа сув организмлари ҳам озикланади ва охир оқибатида улар балиқлар учун озиқа манбаи бўлиб қолади.

Ўғитлар сувга тушганида, унинг таркибий қисми сувда эриб кетиб, унинг:

- бир кисми сувдаги мавжуд фитопланктонлар томонидан истеъмол қилинади;
- қолган қисми эса сувда ёки сув тубидаги лойқанинг (балчик) юзасига органик ва минерал бўлакчалар шаклида сақланиб қолади.

Ўғитларнинг эриган кисми сув ҳавзаларда органик моддаларни парчаланиши, чириши учун микробларнинг ривожланишини тезлаштиради, рағбатлантиради. Парчаланиш, чириш жараёнининг оқибатида сувда ёки сув остидаги лойкаларда жуда ҳам кўп микдорда янги озикавий моддалар тушади. Ўғитларнинг сув ҳавзаси тубида чўккан бўлакчалари сувда секинлик билан узок муддат давомидатушади ва эрий бошлайди.

Ушбу жараёнларнинг таъсири оқибатида сув ва сув ҳавзасининг сифат кўрсаткичи ўзгаради, баъзан эса сувнинг ҳароратини, унинг тиниқлигини, рН, эриган кислород микдорини, шўрланиш каби кўрсаткичларини ҳам ўзгартириб юбориши мумкин.

2.2. Балиқларни қўшимча озукалар билан озиклантириш.

Қўшимча озукалар - балиқчи томонидан сув ҳавзаларидаги табиий озукаларга қўшимча равишда киритиладиган озикалардир. Қўпинча бу маҳаллий бозорларда сотувга чиқарилган маҳсулотлардан (кишлоқ хўжалик экинлари, чорвачилик маҳсулотлари, ошхона чиқиндилари ва бошқалар) иборат бўлиши мумкин.

Сув ҳавзаларига нима сабабдан қўшимча озика киритилади, нима учун табиий озика захираси мавжуд бўлган сув ҳавзаларига балиқларни сунъий равишда озиклантириш керак. Бунинг бир канча сабаблари бор:

- Балиқларни озикланиши учун табиий озика захирасининг сифати етарли бўлмаганида, яъни мавжуд бўлган озика захираси балиқдарни яхши ўсишини таъминлай олмаётганида;

- Агарда Сиз балиқ маҳсулдорлигини тезлик билан оширмоқчи бўлсангиз, яъни ушбу сув ҳавзасидан олинаётган товар баликларнинг ўсишини тезлаштирмоқчи бўлсангиз қўшимча равишда суъий озиклантириш усулини қўллайсиз. .

Қўшимча озиқаларни танлаш. Балиқлар учун қўшимча озиқаларни танлашда қуйидаги кўрсаткичларга аҳамият берилади:

- яхши озукавий хусусиятга эга бўлиши керак, яъни таркибида протеин ва углеводлар кўп бўлиб, толали бирикмалар камрок бўлиши керак;

- Сув ҳавзаларида сақланаётган балиқлар томонидан яхши исътемоли қилиниши керак;

- жуда ҳам арзон бўлиши керак;

- бутун вегетация мавсумида топиш имконияти бўлганида;

- тарспортировка ва кайта ишлашда кам харажат сарфланган тақдирда;

- саклаш жуда ҳам қўлай бўлганида.

Қўшимча озиқа сифатида турли хил манба ва маҳсулотлардан фойдаланиш мумкин:

- **ўсимликлар:** яшил қисмлари, барглари, мевалари, дуккакли ўтлоқзор ўсимликларнинг донлари (уруғлари), чангалзор, дарахтлар, жумладан мевали ҳамда сабзавотлардан;

- **сув ўтлари:** сувли гиацинт, ряска, писция ва бошқалар;

майда тупроқ умуртқасиз хайвонлар: тупроқ чувалчанглари, ҳашаротлар, моллюскалар.

- **сув хайвонлари:** куртлар, ёввойи балиқлар, головастиклар.

- **гуруч:** майдаланганлари, кепаци ва шелухаси.

- **маккажухори:** яшил қисми, кепаци, уни ва бошқалари.

- турли экинларнинг кунжара ва шротлари.

- **ошхона чиқиндилари.**

- **пивюзаводларнинг чиқиндилари.**

- **пилла қуртининг личинкаси.**

- ва бошқалар.

Озиқаларнинг сифати ундаги протеин, углевод ва толаларнинг нисбий миқдорига қараб классификация қилинади.

Қўшимча озиқалар балиқларга икки хил шаклда етказиб берилади:

1. Қуруқ озиқа: буларга бошоқли ўсимликлар дони, кунжара ва бошқалар кириб, уларни сақлаш ва транспортировка килиш қулайроқдир.

2. Хўл озиқалар: ҳайвонлар қони ва бошқа чиқиндилари, пив. завод чиқиндилари ва бошқалар киради. Бу озиқаларни балиқларга беришдан олдин махсус қайта ишлаш талаб этилади.

Масалан, уларни қуруқ озиқалар ибилан аралаштирилади ёки узок муддат сақлаш учун қуритилади.

Шундай қилиб, қўшимча озиқалар балиқларга қуруқ шаклда (намлик даражаси 10%) ва хўл шаклда (30-50%) берилади. Айрим турдаги балиқлар хўл озиқаларни афзал, хуш кўради, уларни яхши ҳазм қилади ва натижада балиқлар яхши ўсади. Хўл озиқаларнинг ҳам фойдаси ижобий бўлиб, кам миқдорда исрофланади, бироқ, уларни узок муддат давомида сақлаб бўлмайди, шунинг учун ҳам уларни балиқларга ҳар бир озиқлантиришдан олдин керакли миқдорда тайёрлаш лозим.

Озиқалар қанақа катталиқда бўлиши керак? Озиқаларнинг катталиги балиқ оғзининг катталигига мос келиши керак, бунда озиқаларни камроқ исроф бўлишига ва озиқалардан максимал равишда фойдаланишга эришилади. Керакли катталиқдаги озиқаларни тайёрлаш куйидаги жараёни ўз ичига олади:

- **ёш, майда балиқлар** учун майдаланган ёки янчилган бўлиши керак;

- **ўтхўр балиқлар** учун эса ўсимликларни майда бўлакчаларга кесилган, майдаланган бўлиши керак.

Бунда озиқаларни жуда ҳам майда бўлакчаларга майдалаш шарт эмас, чунки:

-озиканинг жуда ҳам майда бўлакчалари тезда сувда эриб кетади, яъни йўқолади;

-балиқларни озиқланиши қийинлашади;

-катта бўлакчаларини эса баликлар тополмай қолиши мумкин ва сувда чириш бошлайди.

2.3. Балиқларни меъёрлаштирилган (баланслаштирилган)

озуқалар билан озиқлантириш.

Озикалар қанақа катталиқда бўлиши керак? Озикаларнинг катталиги балик оғзининг катталигига мос қолиши керак, бунда озикаларни камроқ исроф бўлишига ва озикалардан максимал равишда фойдаланишга эришилади. Керакли катталиқдаги озикаларни тайёрлаш қуйидаги жараёни ўз ичига олади:

- ёш, майда балиқлар учун майдаланган ёки янчилган бўлиши керак;

-ўтхўр балиқлар учун эса ўсимлиқларни майда бўлакчаларга кесилган, майдаланган бўлиши керак.

Бунда озикаларни жуда ҳам майда бўлакчаларга майдалаш шарт эмас, чунки:

-озиканинг жуда ҳам майда бўлакчалари тезда сувда эриб кетади, яъни йўқолади;

-балиқларни озиқланиши қийинлашади;

-катта бўлакчаларини эса баликлар тополмай қолиши мумкин ва сувда чириш бошлайди.

Озиқлантиришнинг мақсади - барча балиқларни озикалар билан таъминлашдан иборат бўлиб:

-организмнинг ҳаётий фаолиятини (қон айланиши, нафас олиш ва бошқалар) қўллаб туриш;

-ўсиш ва тиклаши (масалан, иқраларни озукавий моддалар билан таъмирнлаш учун).

Агарда, озиқанинг сифати ёки миқдори чегараланган бўлса, унда баликлар ўсишдан орқада қолади, тана оғирлигини йўқотади ва оқибатда нобуд бўлиши ҳам мумкин. Баликлар ҳаёт фаолияти учун керак бўладиган сифатли ва етарли миқдордаги озукалардан ошиб кетса ўсиш кузатилади. Сув ҳароратининг кўтарилиши билан бу талаблар ҳам ошиб боради, чунки баликларнинг фаоллиги ҳам ошади. Бу талаблар нисбатан ёш ва майда баликларда юқоридир.

2.4. Баликларга бериладиган қўшимча озиқа миқдорлари

Яхши, қониқарли натижа олиш учун ҳар бир сув ҳавзасига канча қўшимча озиқа кирилиши кераклигини аниклаш унчалик осон иш эмас. Чунки қуйидаги муаммолар бор:

- озиқлантириш етарли бўлмаганида - сув ҳавзасидан жуда ҳам кам маҳсулот олинади.

- озиқлантириш кўпайиб кетганида - баликнинг таннархи ошиб, сувнинг сифати ёмонлашади, пасаяди.

Сув ҳавзаларидан қўшимча озиқа киритилмасдан тахминан қанча балиқ олиш мумкинлиги қуйидаги жадвалда келтирилган. Агарда кўпроқ маҳсулот олмоқчи бўлсангиз, унда сув ҳавзасига қўшимча равишда озуқа киритилиш лозим.

Жадвал-1

Сувнинг ўғитлаш сифати	Балиқ маҳсулдорлиги, кг/га, йил
Сув ҳавзаси ўғитланмаган	100-500
Кам (паст) миқдорда ўғитланган	500-1000
Уртача ўғитланган	1000-2000
Қониқарли равишда ўғитланган	2000-3000

Масалан, Сизнинг сув ҳавзангиз 1000 метр квадрат (ёки 0,1 га), сув хавзасини сифати жихатдан ўртача ўғитланган. Сиз балиқларни қўшимча равишда озиқланмасдан туриб, йил якунига 100-200 кг балиқ етиштиришни мўлжаллаяпсиз. Агарда Сиз кўпроқ маҳсулот олмоқчи бўлсангиз, унда қўшимча озиқалардан фойдаланишингизга тўғри келади. Агарда 400 кг балиқ олмоқчи бўлсангиз, унда сув ҳавзангизга 200-300 кг ҳисобидан яхши сифатли қўшимча озиқа киритишингиз керак бўлади.

Сиз озуқа коэффиценти асосида озуқа миқдорини аниқдашингиз мумкин. Бу кўрсаткич балиқларни 1 кг ўсиши учун сарфланган озиқа миқдorigа тенгдир. Адабиётларда ҳар бир озуқа турининг коэффиценти келтирилган. Масалан, озуқа коэффиценти 6 га тенг бўлса, унда 200-300 кг балиқ олиш учун $1200-1800 \text{ кг}$ ($200-300 \text{ кг} \times 6 = 1200-1800 \text{ кг}$) озуқа керак бўлади.

Жадвал-2

Озиқлантириш кунлари	Маълум бир даврда умумий озиқа миқдори, кг ҳисобида	Уртача кунлик озиқа Миқдори кг/кун
0-40	50	1,25
40-80	100	2,5
80-120	150	3,75
120-160	250	6,25
160-200	450	11,25

Жадвал-3

Мавсум давомида озиқаларни тақсимлаш

Мавсум даври (барча вегетация мавсумига нисбатан % ҳисобида)	Озуқалар миқдори(Умумий озуқа миқдorigа нисбатан % ҳисобида)
0-20	5
20-40	10

40-60	15
60-80	25
80-100	45

Озиқалар мавсум бошида ўртача ҳисобдан кам миқдорда, охирида эса ўртача ҳисобдан кўп миқдорда берилади.

Бутун мавсум давомида мўлжалланган умумий озиқа миқдорини ўстиришнинг аниқ бир даврида қандай қилиб тақсимланиши керак? Баҳорда, балиқлар жуда майда бўлганида канча миқдорда озуқа бериш керак, кузда балиқлар анча катта бўлганида канча бериш керак? Бунинг учун қуйидаги жадвалда келтирилган тахминий маълумотлардан фойдаланиш мумкин:

Агарда, Сиз харажатларни мунтазам равишда ўз вақтида пухта қилиб қайд қилиб борсангиз, унда Сиз тез орада ўзингизнинг сув ҳавзангизда йўл қўйилган хатоингизни аниқлаб тўғрилаб борасиз, яъни сув ҳавзасига канча ва қачон қўшимча озуқа киритгансиз ва балиқларнинг умумий биомассаси канчага ошганлигини билиб оласиз.

Умумий маълумотлардан ташқари, яна қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- майда балиқлар нисбатан кўп озуқа талаб қилади.
- агарда сув ҳавзасининг табиий озуқа базаси яхши бўлса, унда камрок қўшимча озуқа сарфланади.
- сув ҳавзаларига балиқларни унчалик тиғиз, зич сакланмаслик натижасида, камрок қўшимча озиқа сарфлаб, кўпроқ табиий озиқа захирасига таяниш мумкин;
- озиканинг сифати қанчалик яхши бўлса, улар шунчалик кам миқдорда берилади;
- озикани совук сувга нисбатан илиқ сувда кўпроқ бериш тавсия этилади.

Балиқларни озиқлантиришни нафакат бир вегетация мавсумида, балки йиллар давомида доимий равишда яхшилаб бориш тавсия этилади. Бунинг

учун ишчи журналини юритиш, ой ва йил бўйичатаҳлил килиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Кунлик (суткалик) озиқлантириш миқдори деб нимага айтилади? Бу аниқ бир сув ҳавзасига бир кунда (суткада бериладиган умумий озиқа миқдорининг умумий балиқлар сонининг биомассасига бўлган нисбатига айтилади ва фоиз ҳисобида аниқланади.

Масалан, балиқларнинг кунлик озиқланиш миқдори уларнинг биомассасига нисбатан 2,5% га тенг бўлса, ҳамда Сизнинг сув ҳавзангизда 80 кг ёш балиқлар бўлса, унда сув ҳавзасига $(80 \text{ кг} \times (2,5 \times 100))$ 2,0 кг қўшимча озиқа киритилиши керак.

Балиқларнинг кунлик (суткалик) озиқланиш миқдорини нималарга боғлиқ. Балиқларни кунлик озиқлантириш миқдори бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Жумладан:

- балиқларнинг тури ва ҳажмига;
- балиқларнинг тури ва сув ҳароратига;
- балиқларнинг тури ва табиий озиқа захирасининг ривожланиш ҳолатига боғлиқ бўлади.

Балиқларни кунига неча мартаба озиқлантириш керак? Сиз кунига бериладиган озиқа миқдорини ўлчаб аниқландингиз. Буни сув ҳавзасига қандай килиб киритиш керак, бирдан ҳаммасини ёки уларни бўлақларга бўлиб кун давомида бериш керакми? Кунлик озиқа миқдорини бўлақларга бўлиб беришнинг ўзига хос афзаллик томонлари бор:

- балиқлар томонидан истеъмол қилинмаган озиқалар билан сувнинг ифлосланиши камаяди;
- сувдаги кислород миқдорини яхши сақланиб қолишига эришилади (ейилмаган озиқаларни чириши учун кислород сарфланмайди);
- озиқанинг исроф бўлиши камаяди;
- балиқларни биргаликда, дўстлик билан ўсишига имкон туғилади, яъни уларнинг катталиги бир хил бўлади;

- балиқларнинг ўсиши яхшиланади.

- балиқларнинг катталиги қанча майда бўлса, уларни шунча кўп озиқлантириш керак, яъни бўлакчаларнинг (порцияларнинг) сони кўп бўлиши керак.

- кўпроқ қуруқ озиқалар билан озиқлантириш;

- ҳар бир озиқлантиришда бериладиган озиқа миқдори балиқлар биомассасининг 3%-идан кўпни ташкил қилмаслиги керак, чунки бунда балиқлар берилган озиқани охиригача исътемом қилишади.

- сув ҳарорати паст бўлганида озиқлантириш сонини камайитириш керак.

Сувнинг ҳарорати турлича бўлганида 20-50 г-лик карп балиқларни кунлик (суткалик) озиқлантириш миқдори

Жадвал-4

Сувнинг ҳарорати, С	Балиқнинг биомассасига нисбатан кунлик озиқлантириш миқдори, %.
7 гача	0
8-12	2
13-17	4
18-20	5
21-23	6
24-26	8
26 дан юқори	11

Жадвал-5

Турли катталиктаги карп балиқларнинг бир кунлик озиқланиш миқдори

Уртача тана оғирлиги, грамм ҳисобида	Бир кунда бериладиган озиқа «порция»лари сони
0,1 гдан кам бўлганида	6-8

0,1-10	4-5
10-40	3
40 гдан юқори бўлганида	2

Озиқлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида балиқларга берилаётган озиқаларни доимий равишда назорат қилиб бориш керак. Назорат қуйидагича амалга оширилади:

Балиқларга озиқа беришдан олдин аввалги озиқлантиришдан қолган озуқа бор-йўқлигини текшириб чиқиш керак. Агарда, Сиз озиқлантириш учун озиқа соладиган столчалар ёки охурлардан фойдаланган бўлсангиз, буни бажариш жуда ҳам осон ва қулайдир.

Масалан, Яхши озиқа захираси бўлганида карп турдаги балиқларнинг сеголеткаларини кунига бир маротаба озиқлантирилади. Озиқлантиришдан икки соат ўтгач, озиқа берадиган столчаларни кўздан кечирилади, агарда барча озиқалар исътемом қилинган бўлса, эртаси куни бериладиган озиқа миқдорини бироз кўпайтириш мумкин. Агарда барча озиқалар исътемом қилинмаган бўлса, унда 5 соатдан сўнг яна бир маротаба текшириб кўрилади. Агарда озиқадан камроқ қолган бўлса, ёки қолмаган бўлса, унда эртанги бериладиган озиқа миқдорини ўзгартирмаслик керак, агарда кўпроқ қолган бўлса, берилаётган миқдорини камайитиришга тўғри келади.

- озиқлантириш вақтида балиқларнинг ҳаракатига эътибор беринг, агарда улар фаоллик билан озиқани қабул қилаётган бўлса, унда балиқларингиз соғлом ва Сиз озиқлантиришни тўғри амалга оширяпсиз.

- балиқларнинг тана оғирлигини аниқлаш ва озиқлантиришни тўғри амалга ошира бориш учун ҳар 15 кунда бир маротаба балиқларни назорат равишда овлаб, уларнинг тана оғирлигини аниқланг. Олинган натижа ва сарфланган озиқага қараб ҳақиқий озиқа коэффициенти аниқланади ва зарурият туғилганда озиқлантириш меъёри тўғрилаб оланади.

-баликларни ўстириш мавсумининг охирида мавсум давомидаги озиқа коэффициенти аниқланади. Олинган натижага қараб озуқа сифатига, озиқлантириш технологиясига тавсиф (хулоса, баҳо) берилади ва ундан ҳам яхшилаш йуллари изланади.

Озика коэффиценти - бу бир кг тана оғирлигига сарфланган озика микдорини ифодалайди, яъни маълум бир вақт давомида сарфланган озика микдори ($P, \text{кг}$) баликларнинг неча кг ўсганига ($\Sigma V, \text{кг}$) бўлиш йўли билан аникланади.

$$K = 0/B \setminus \mathbb{N} \setminus 1) \setminus \setminus = \setminus Y2 - \setminus Y1$$

\U1 - балиқни маълум муддатдаги озиқлантиришнинг бошидаги дастлабки кўрсаткич;

¶2 - балиқни маълум муддатдаги озиклантиришнинг охиридаги якуний кўрсаткич;

Масалан, Баликлар бир ойда 12 кг ўсган, бунинг учун 48 кг озуқа сарфланган. Озика коэффициенти 4 гатенг бўлади.

$$48 \text{ кг} : 12 \text{ кг} = 4$$

Озиқа коэффиценти озиқа сифати, балиқларнинг тури, сув ҳавзасидаги табиий озиқа захираси, сувнинг сифати, об-ҳаво, озиқлантириш технологияси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Озуқа коэффицентини аниқлашда табиий озуқа зақирасини ҳам ҳисобга олинади.

Масалан, қониқарли табиий озуқа захирааси балиқларнинг 25%-га ўсишини таъминлайди. Юқоридаги мисол бўйича ҳисоблаб чиққанимизда озуқа коэффиценти 5,3 га тенг бўлди:

- балиқларнинг табиий озиқа ҳисобидан ўсиши: $12 \text{ кг} \times 0,25 =$

3 кг;

-кўшимча озикалар ҳисобидан ўсиши : $12 \text{ кг} - 3 \text{ кг} = 9 \text{ кг}$.

-оziка коэффициенти: $48 : 9 = 5,3$

Олинган озика коэффицентини адабиёт маълумотларида келтирилган тадқиқот натижалари билан таккослаш фойдадан холи эмас. Чунки:

- агарда озика коэффиценти адабиётлардагига нисбатан юкори бўлса, унда сув ҳавзасидаги кислород етишмовчилиги, ҳаддат кўп миқдорда озика бериш, сувнинг сифати, озика ситфатининг пастлиги, баликлардаги касалликлар, озикани тўлик берилмаслиги каби муаммолар бўлиши мумкин. Бу эса хўжаликнинг умумий фаолияти даражасини таҳлил қилишда яхши далил бўла олади;

- агарда олинган озика коэффиценти адабиётлардаги озика коэффиценти билан бир хил бўлса, хўжаликдаги озиклантириш технологияси қоникарлибўлганидан дарак беради.

Жадвал-6

**Кенг тарқалган қўшимча озикаларнинг озикавий
коэффиценти**

Қўшимча озика турлари	Озикавий коэффицент
Ок амур турдаги баликлар учун барги ва пояси:	
Райграс ўсимлиги	17-23
Судан ўсимлиги	19-28
Беда	25-30
Сув гиацинти	50
Писция	50
Карп турдаги баликлар учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	
Пахта кунжараси	1,3-2,0
Қуритилган пилла личинкаси	1,3-2,1
Соя кунжараси	2,0- 2,4
Арахис кунжараси	1,9-2,3
Бугдой кепаги	4,0 - 4,5
Гуруч кепаги	4,8 - 5,2

2.5. Балиқларни озиклантиришни тўхтатиш.

Балиқларни озиклантиришни тўхтатилиши учун бир қанча ҳолатлар мавжуд:

- сувнинг ҳарорати жуда ҳам юқори ёки паст бўлганида (ушбу турдаги баликтури учун меъёрдан чиқса);
- сувда эриган кислород миқдорини кескин камайиб қолса;
- сув ҳавзасига ўғит киритилган кун;
- балиқлар касалланиб қолганида;

Масалан, карп турдаги балиқлар учун сув ҳароратининг чегаравий доираси - +7...+32 даража, форель турдаги балиқлар учун - +3...+20 даража, шундан паст ёки юқори бўлганида балиқларни озиклантириш тўхтатилади.

Қуйидаги балиқчиликда ўтказилаётган тадбирларда ҳам балиқларни 2-3-кун давомида озиклантирилмайди:

- тирик балиқларни ташиш даврида;
- ҳовузларда охириги балиқларни овлаш вақтида;
- балиқларни қайта қўчириб ўтказишда, навларга ажратиш даврида.

Балиқларни қўшича озикалар билан озиклантириш тартиби (усули)

Сув ҳавзасида балиқларга қўшимча озикаларни қандай қилиб бериш мумкин? Сув ҳавзасига озикаларни киритиш тартиби биринчи навбатда балиқларнинг ёши ва катталигига(ҳажмига) боғлиқ бўлади.

Масалан, озиклантириш режими балиқларнинг ёшига боғлиқ бўлади:

	Мальки, сеголеткалар	Товар баликлар
Кунлик озиқлантириш миқдори	Юқори	Паст
Озиқлантириш сони	Кўп	Кам
Озиқалар сифати	Юқори	Паст
Озиқа бўлакчаларнинг ҳажми	Майда	Катта

Баликларни қачон озиқлантирилади? Баликдарни кунига (суткасига) минимум бир маротаба, ҳафтасига эса 6 маротаба озиқлантириш зарур. Ёш баликларни тез-тез озиқлантириш керак. Фақатгина илиқ сувсевар баликларни сув ҳарорати пасайганида 2-3 кунда бир маротаба озиқлантирилади.

Биринчи озиқлантиришни эрта билан, ҳали сувнинг ҳарорати исимаганда ва сувда эриган кислород миқдорининг ошиб бориши бошланган вақтда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Иккинчи озиқлантиришни тушдан кейин, кун ботишига 2 соатча вақт қолганида ўтказиш мумкин.

Агарда баликларни озиқлантириш учун тебранғич охурчалардан фойдаланилаётган бўлса, унда баликларни ўзлари озиқланиш вақтини танлаб олади. Бундай озиқланиш режимига баликларни интенсив ўстириш усули тўғри келади.

Озиқаларнинг типига ва сув ҳавзаларнинг ҳажмига қараб озиқаларни қуйидагича ёйиб ташлаш мумкин:

-сув ҳавзасининг бутун юзаси бўйлаб: майда ҳовузчаларда ёки бошокли экинлардан олинадиган озиқалар (омухта ем, кунжара, кепак ва бошкалар);

-аник чегараланган жойларга озикаларни ёйиб ташлаш: катта ҳажмдаги сув ҳавзаларга сув тубига чўкадиган озикалардан фойдаланилганда амалга оширилади. Бунда озикаларни балиқлар томонидан исътемом қилишни аниқлаш ва назорат қилиш мумкин. Бундай жойларни озикавий, озика берадиган махсус жой деб аталади ва уни қуйидагича танлаб олинади:

- сув ҳавзасининг туби қаттиқ тўшамалар билан копланган бўлиши ;
- сувнинг чуқурлиги 0,6-1 м гача бўлиши;
- сўри-охурчалар ёки тепаликчалар бўлиши;
- катта сув ҳавзаларида иложи бўлса бир нечта озика бериладиган жойларни бўлиши;
- танлаб олинган жойни белгилаб қўйиш (кўпинча ҳовуз тубига яхши кадалган ва сув юзасидан чиқиб турадиган дарахтларнинг новдасидан, шохларидан - хода,таёклар ўрнатилади).

Балиқчилик фермер хўжаликларда кўпинча бериладиган озикаларни ўлчашга тўғри келади. Озиканинг ҳажмига ёки оғирлигига қараб ўлчанади. Ўлчаш учун (озуқа миқдорини аниқлаш учун) тарози керак бўлади. Озуқа ҳажмини ўлчаш учун эса турли хил ҳажмдаги идишлар керак бўлади. Идишларда сувли эритмаларни тайёрлаш, озукаларни суюлтириш жуда ҳам қулайдир. Турли ҳажмдаги идишларни олиб 0,5, 1, 3, 5 ва ҳоказо қилиб (худди ўлчамли стаканчаларга ўхшаб) қизик қўйиб чикилади. Агарда идишларда ҳажм бирлигини килограмм бирликда ўтказувчи шкаласи жуда ҳам қулай бўлади. Бунинг учун дастлаб бир маротаба ўлчаш ўтказилади. Масалан, озиканинг канча литри бир кг бўлишини аниқлаб олинади ва шунга қараб керакли бериладиган озика миқдори ўлчаб олинади.

Қўшимча озуқани сув ҳавзасининг сатҳига ёйиб ташлаш

Озикани ёйиб ташлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Озикани сувнинг бетига кўпинча қўлда, сатил билан, қурак, белқурак ёрдамида ёйиб

ташланади. Бу усулнинг яхши томони шундан иборатки, озиқланиш вақтида балиқларнинг ҳаракатини текшириб, кўздан ўтказиб турилади.

Озиқаларни сув ҳавзасининг тубига, тагига тушмаслиги учун аниқ чегараланган махсус жойига ташланади. Буни бир неча усул ёрдамида бажариш мумкин:

- ҳовуз ичида усти текис бўлган тепалик ясалади ва у сувнинг ичида, сув юзасига яқин қилиб ўрнатилади;
- сузиб кетадиган озиқалар учун сузиб юрадиган ромлар ўрнатиш мумкин; чўкадиган озиқалар солинган новларни сув тагига боғлаб кўйилади;
- тўрсимон сўричалар ўрнатилади. Бунда тўр панжарасига босилган ҳўл озиқалар тўрлар орасидан сувга чиқади, уни балиқлар тутиб истеъмол қилишади.

Озиқани тақсимлайдиган турли хил тақсимлагичлар мавжуд. Масалан, тебраниб турувчи тақсимлагич бўлиб, бундан озиқаларни олиб истеъмол қилишни балиқлар тезда ўрганиб оладилар. Бу тақлислагичга куруқ озиқалар солинади, унинг озиқа тушадиган механизмини (сув тагига ўрнатилган) балиқ тумшуғи билан итариб юборганида тешиги очилиб сувга озиқалар тўкила бошлайди.

Катта ҳажмдаги сув ҳавзаларида тақсимлагичларни ўрнатилиши натижасида балиқларни озиқлантириш учун кетадиган ишчи кучи тежалади.

Бир гектарлик сув ҳавзаларига камида 4 тагача тақсимлагичлар ўрнатилади.

III. ТАДҚИҚОТ ЖОЙИ, ШАРОИТИ ВА ТАҲЛИЛИ

3.1. Республикамиз шароитида балиқчилик ҳовузларининг биологик ва техник таснифи

Ҳовуз балиқчилик хўжаликларида қилинадиган барча техникавий, иқтисодий ва к-г масаласини бажариш ҳамда мақсадга мувофиқ равишда қуйидаги асосий системага амал қилиш ташкиллаштирилади: булардан – тўлиқ системадаги ҳовуз балиқчилиги, Балиқлар питомниги, яйраткич балиқчилик ҳовузлари ва наслчилик –селекция балиқчилик ҳовузлари бўлиши керак.

Тўлиқ системадаги ҳовуз балиқчилик хўжаликларида асосан карпсимон балиқларни урчитиш ва устириш бўлиб бошқа балиқ турларини ҳали увулдириқдан тортиб то товар хусусиятларигача, бази ҳолларда эса жинсий етилишгача ўз фаолиятини кўрсатади.

Карпсимон ва уларнинг дурагайлариға минимал стандарт ўсиш кўрсаткичи товар ҳолати тана вазни 500 г икки ёшлик даврида ҳар қандай экологик – географи зоналарда эришилиши керак.

Бундай тўлиқ системадаги ҳовуз балиқчилик хўжаликларида товар балиқларидан ташқари она балиқлар галаси ва ёш таъмирловчи балиқлар ҳам биргаликда етиштирилади.

Ишлаб чиқарувчилар ўз вақтида баҳор фаслида она балиқлар галасидан урчитиш ҳовузларига уруғ сочиш учун ўтказилади. Тўлиқ системадаги хўжаликларда карпсимон балиқлар билан ўтхўр балиқлар ҳам қишлов мавсуми тугагач яйраткич ҳовузларда ўстирилади.

Тўлиқ системадаги ҳовузлар одатдаги тартибда тақсимланади: 1) Бош қуйилувчи ҳовуз тўғондан кейин биринси бўлиб кейин 2) қишлов ҳовузи, 3) урчитиш ҳовузи, 4) ўстириш ҳовузи, 5) яйраткич ҳовузи жойнинг ўрнашишига эътиборан танланади. Каратин (изолятор) ҳовузи хўжаликнинг юнг қуйи қисмига ўрнатилиб, ҳовуздаги чиқариб ташланган ифлос сувлар бошқа юқорида тақидланган ҳовузларга тушмаслиги учун.

